

Оёғи осмондан келган қадриятлар

Бугун Туркияда давлат тўнгарши уюштиришга ташаббус қилиб, юзлаб беғуноҳ мусулмонларни ўлдирган ва улардан минглаб кишини яралаган, бутун давлат биноларини, шу жумладан парламентни ҳам вайрон қилган террорчиларнинг жиноятлари ҳақида лом-мим демай, улар ҳибсга олинганидан сўнг бу террорчиларнинг «хақ-хуқук»лари ҳақида сайрай бошлаган Ғарблик «хуқук»чилар менга испан миллатига мансуб бир норвегиялик аёлнинг ҳайрат тўла ҳикоясини эслатди.

Аёлнинг ҳикоя қилишича, у ўз боғидаги зараркунанда қуртларни териб олиб, уларни ўлдиришга қўрққанидан, ўзи ўлиб қолар, деган умидда қуртларни туз солинган бир идиш ичига ташлайверибди. Буни кўриб қолган кўшнисини бу ҳолга норозилик билдириб, агар бу ишнинг давлат таркибидаги «Ҳайвон муҳофазаси ташкилоти» кўриб қолса, сенга ҳашоратни қийнаб ўлдираётганинг учун катта жарима ёзади, деб огоҳлантирибди.

Бу ҳикоя ўз навбатида ўша пайтда менга оёғи осмондан келган қадриятлар мавзусига доир ўзим шохид булган яна бир суҳбатни эслатган эди. Суҳбат давлат тармоғида ишлайдиган бир гуруҳ кимсалар ичида бўлиб ўтиб, мавзу — яқиндагина ирқчи Брейвик томонидан амалга оширилган ва юзга яқин одамни ҳалок қилган террор ҳаракати эди. «Бир неча ўн («dusin») ахлат ўлдирилди, деб шунча шовқин-сурон кўтариш шартми?» деди ташки кўринишидан жуда маданиятли кўринган раҳбар аёллардан бири. Эрдўғон айтганидай, «дурум — бу». Энг ёмони, бундай мунофиқликка жўр бўлаётганларнинг кўпчилиги ва ҳатто айтиш мумкин-ки, энг ашаддийлари — аждодлари бир пайтлар мусулмон бўлган кимсалардир.

26.07.2016

Максуд Бекжон



ЎЗБЕК МУХОЛИФЛАРИГА ДЕПОРТАЦИЯ ХАВФИ

Истанбул шаҳар Хавфсизлик ташкилотининг 10 кундан буён давом этаётган амалиётларида ҳибсга олинган 130 дан ортиқ мухолиф ўзбеклар мамлакатдан депортация қилиниши мумкин. Илк амалиётлар чоғида ҳибсга олинган 29 ўзбекдан 15 таси ёш бола, 5 таси аёл ва 2 таси эркак киши, шулардан 22 киши 1 ой ичида Туркияни тарк этиш шarti билан қўйиб юборилган. Ҳибсга олишлар давом этаётгани айтилар экан, ўзбек мухолифлари ўзларига нима айб қўйилаётганини билмаяптилар. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик ташкилоти эса Истанбулда ҳибсга олинган мухолифларнинг у ердаги уйларига рейд уюштиришаётгани айтилмоқда.

Ўзбек мухолифларига қарши амалга оширилган иккинчи амалиётда эса 100 дан ортиқ киши ҳибсга олинган. Мухолифларнинг барчасидан олинган баённомалар ортидан, уларнинг Қумқопи депортация марказига олиб кетилгани аниқланди. 10 кундан буён давом этаётган амалиётлар давомида рўйхатдаги кишилар сонининг ортиб бориши ва ҳибсга олишлар давом этиши айтилмоқда.

Ҳибсга олинган ўзбекларнинг барчаси Ислом Каримовнинг мухолифи эканлиги, болаларнинг 5 йилдан буён Туркияда яшаётгани,

энг яқинда келган ўзбекларнинг эса тахминан 2 йилдир Истанбулда истиқомат қилаётгани аниқланган. Шунингдек ҳибсга олинган мухолифларнинг кўпчилигида яшаш учун руҳсатнома борлиги айтилмоқда.

Туркистон ҳамжиҳатлик жамияти бошлиғи Бурхон Қовунчи, “Yeni Şafak” газетасига ҳибсга олишлар билан боғлиқ масалада берган интервьюсида, ҳибсга олинган шахслар махсус танланганини айтиб, “Бу исмлар ҳар қандай зўравонлик билан, қуролли гуруҳлар билан алоқаси бўлмаган инсонлар. Ўзбекистондаги Каримов режимига мухолиф инсонлар. Туркия хавфсизлик ташкилоти бу инсонларни безовта қилиш билан Ўзбекистон режимига хабар бериш истагида бўлишлари мумкин. Лекин қилаётган ишлари нотўғри. Тинч йўл билан курашишни танлаган инсонларга нисбатан бу тарзда амалиётлар ўтказиш, зўравонлик тарафдорларига куч беради”, деган.

Шунингдек, Истанбулда яшаётган ўзбек мухолифларининг Туркияда 15 июл давлат тўнгаршига урунишидан сўнг, турк халқи билан биргаликда қўчаларга чиққанликлари ва давлат тўнгаршига қарши намойишларида иштирок этганликлари айтилмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими



ИСТАНБУЛДА ЮЗГА ЯҚИН ЎЗБЕК МУҲОЖИРИ ДЕПОРТАЦИЯ ХАВФИ ОСТИДА ҚОЛДИ

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Истанбулда сўнгги 13 кун ичида 140га яқин марказий осийлик муҳожир ушланди. Озодлик манбаларига кўра, ушланганларнинг асосий қисми ўзбекистонлик бўлиб, ҳозирда уларнинг юзга яқини депортация хавфи остида қолган.

29 июль куни Туркия хавфсизлик идоралари Истанбул шаҳрида бошлаган тадбирларнинг биринчи босқичида 29 нафар ўзбекистонлик муҳожир, кейинчалик яна 100га яқин ўзбек муҳожирлари ушланди.

Ушланган ўзбек муҳожирлари билан боғлиқ вазиятни ўрганаётган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати маълумотига кўра, ушланганларнинг 80 нафари қўйиб юборилган ва уларнинг 40 нафарига 1 ой ичида Туркияни тарк этиш талаби қўйилган.

Вазиятдан хабардор мухолифатдаги Ўзбекистон «Эрк» партияси раҳбари, ҳозирда Туркияда яшаётган Муҳаммад Солиҳнинг Озодлик билан суҳбатда

айтишича, ани пайтда яна 60 киши Истанбулдаги Кумқопи депортация марказида ушлаб турилибди.

— Шулардан 4 киши Тожикистон, 6 киши Қирғизистон, 9 киши россиялик, 1 киши Қозғистон фуқароси. Аммо қолганларнинг ҳаммаси ўзбеклар. Ушланган 40 киши Туркияни тарк этиш талаби билан қўйиб юборилди. Ҳозир Кумқопи изоляторида 60 киши ушлаб турилибди. Уларнинг 17таси ёш болалар, 4таси ҳомиладор аёллар. Болаларнинг ичида 15 кунлик, 3 ойлик чақалоқлар ҳам бор,- деди Муҳаммад Солиҳ.

Озодликнинг Истанбулдаги манбаларига кўра, 11 август куни ҳам шаҳардаги бир неча нафар ўзбек муҳожирлари полиция томонидан олиб кетилган.

Кумқопи депортация марказида ушлаб турилганлардан бирининг яқинига кўра, ҳозирча ушланганларга расмий бирор айблов эълон қилинмаган:

“Полиция билан гаплашдик. Ҳеч қандай айблов йўқлигини айтишди. Фақат депортация қилинишини айтишди. Сабабини изоҳлашмади”, деди яқини депортация марказида ушлаб турилган ўзбекистонлик муҳожир.

Унинг айтишича, аксар ушланганларнинг Ўзбекистондаги уйларида МХХ томонидан тинтув ҳам ўтказилган.

Муҳаммад Солиҳга кўра, ушлаб турилган ўзбек муҳожирларининг аксари диний мотивлар боис Ўзбекистонни тарк этган шахслар бўлиб, уларнинг депортациясига йўл қўйиш мумкин эмас:

— Булар Ўзбекистондан қочган

диндорлардан. Яъни ўзининг диний эътиқоди туфайли таъқиб-таъзиякка учраб, қочган инсонлар. Кўпчилиги 5-6 йилдан бери яшаб ўтирган ўзбеклар. Улар ҳеч-бир партиянинг яъзоси эмас. Фақат ўша диндор бўлганлари учун таъзияк-таъқибга учраган мазлумлар. Ўзбекистонга борса, мутлақо булар ҳибс қилинади ва қийноққа солинади ва ҳатто ўлдирилиши ҳам мумкин. Бунга йўл қўймаслигимиз керак. Жамоатчилик бунга қарши чиқиши керак. Масалан, «Амнести Интернэшнл», «Хюман Райтс Вотч» каби ташкилотлар бу нарсани қўлга олиб, шуғулланиши керак ва турк ҳукуматига уларни қайтариб юбормасликни талаб қилиб чиқиши керак, деб ўйлайман, — деди Муҳаммад Солиҳ.

Воқеа юзасидан Истанбул полициясидан маълумот олишнинг имкони бўлмади.

Афтидан муҳожирларни ушлаш тадбири фақат Истанбулда қузатилмоқда. 11 август куни Туркиянинг бошқа шаҳарларида яшаётган ўзбекистонлик муҳожирлар Озодлик билан суҳбатда ҳарбий тўнтаришга уринишдан сўнг фавқулодда текширув бўлмаганини айтишди. 15 июль куни Туркияда бир гуруҳ ҳарбийлар давлат тўнтариши амалга оширишга урингани ортидан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Ушбу воқеадан сўнг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Туркияга сафар қилишни режалаштираётган Ўзбекистон ватандошлари ҳамда Туркияга сайёҳлар жўнатиш билан шуғулланадиган операторларидан бу мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олишни сўради.

ЎХХ хабарлар бўлими



Энг олий тезлик бор, у фақат ҳозирдан ҳозирга сизни элтади. Қадимгилар бу тезликни ракси само орқали топишга ҳаракат қилишган. Шунда улар Аждаҳо комидан- қора ўрадан узоклашиб реалликни кўра бошлашар экан. Ёки Реалликни кўриш учун тирик хужайралардан ташкил топган астроматн тузиш керак. Бу ҳам тушқунликдан даволанишнинг бир усули бўлади.

Бир шоирни орқа қилиб бир журналга иш қидириб бордим, шоир бош муҳаррирни яхши танир экан, менинг сифатларимни унга «мадх» этиб кетди, сўзининг бошидан охиригача уч марта «лекин қалами ўткир» деб кўшиб ҳам кўйди. Қаламим йўқлиги аниқ, уйда ҳатто ручкам ҳам йўқ. Шоир ташбеҳ ишлатди, лекин эскириб кетган ташбеҳ, «Журналингиздаги мақолаларни чап оёғи билан ёзиб ташлайди» деганида замонавий ўхшатиш бўларди, ҳай, майли. Хуллас, бошлиқ сеҳрлаб ташланди, ишга оламиз маъносида бошини қимирлатиб қўйиб менга қаради.

— «Айбим бор.»

Бош муҳаррир «Бундан одобли ва қулоқли ходим чиқади» деб ўйлади шекилли: «Одам айбини яширмай айтиш яхши сифат» — деди.

-«Пропискама йўқ!»

«Мутлақо мумкин эмас, ишга ололмаймиз. Бизни тушунинг! Бу мумкин эмас! Мустақилликнинг 25 йиллиги олдида текшир-текшир ҳамма ёқда, йўқ, ишга ололмаймиз. Бизни жарима тортишади.»- Шоирнинг сеҳр- жодуси ҳам иш бермади.

Тошкент шаҳрида вақтинчалик прописка ҳам бекор қилингандан кейин газета -журнал таҳририятларида иш кўпайди. Олдин прописка муаммо эмас эди, аммо иш йўқ эди. Ҳозир аксинча.

Келинг, озгина фалсафалашайлик ёки... Хуллас, дунёдаги ҳамма тирик юрган одам кўринмас нурли ип билан уланган, бундан қадимгилар ҳам айтиб кетишган. Коинот ҳам шундай. Ўткан йили бу масалани америка физиклари исботлашди ҳам. Биз эса бундан инкор қилиш билан банд, одам кўкрагида Раҳмон ва шайтон бор дейишган қадимгилар, ҳозиргилар тирик хужайралардан иборат кўринмас нурли ип ва ҳаммани нарсани ўзига ютувчи автоном қора ўра дейишади. Автоном дейишимга сабаб ҳар бир одамнинг қора ўраси бошқаники билан кўринмас ип каби уланмаган.

«Ўрага тушдинг, гулдур-гуп»

Тушқунлик ва арқон

Ишга киролмаганимданми ёки жамият қора ўра атрофида гирдиқалпақдай бўлиб қолганиданми, яна тушқунликка тушдим.

Одам қанча тушқунликка тушса шунча қора ўра атрофида айланиб қолади. Самарқандлик бир танишим мактаб ўқитувчисига кўнғироқ қилдим. «Бу йил мактабдан нечта бола ўсини осди?»-ўзини қора ўра атрофида айланиб юрганини аниқ билган одам шунақа саволлар беради, одатда. Танишимнинг дами ичига тушиб кетди, дами қора ўра атрофини айланиб келди шекилли, бир пасдан кейин: «Бизнинг мактабдан бу йил ҳеч ким ўзини осмади. Қўшни мактабдан бир бола ўзини осди.»-деди. «Сабаб?» «Ашулачи бўламан деган экан, ота-онаси қаршилик қилипти.»

Одам кўринмас нурли ип билан уланмаганда эди, худди космик ракетада учиб кетаётгандек ер кemasида коинотда учиб кетаётганини билиб турарди. Тасаввур қилинг, секундига 32 км, тубсиз бўшлиқда учиб кетяпмиз. Одамнинг жони узилганда, худди шундай бўлса керак, у жон кўринмас нурли ипдан узилиб юқори тезликда йўқликда учади-ана қиёмат кейин...

Олимлар (Стивен Ховкин) космик ракета коинотдаги қора ўра ичидан ўтиб, ерга қайтса бошқа замонга, масалан, ўтган 10 аср олдинга қайтиб келиши мумкин деган назарияни ўртага ташлашди. Бўлиши мумкин. Бу мумкин. Астронавтлар 10 асрга бориб қолишлари мумкин, лекин бу воқеа реал содир бўлмайди. Факт, улар 10 -асрга ташриф буюришади-ю, лекин реалликдан узоклашишади, астронавтлар 10- аср одамлари ичида ўзларини уларга қиёслаб имитасия қилиб яшашдан бошқа йўли қолмайди. Агар улар қора ўрадан ўтиб ҳозирга қайтиб келишганда бизнинг давр бундан 10 аср олдин ўтиб кетган бўлади. Орқага, аниқроғи ҳозирга қайтиб келишолмайди, бу мумкин эмас.

Ўзи шундоқ ҳам реалликда яшамаяпмиз. Аждаҳо коми бизни реалликдан узоклаштириб ташлаган.

Масалан, Ўзбекистон ҳам ҳозир Абдулазизхон даврини қайта

бошидан ўтказяпти, фақат янгича шаклда, хоннинг ҳам шиори «тинчлик бўлсин, тинчлик бўлсин» бўлган экан. Бир мамлакат ичи тўла космик ракетадай қора ўра ичидан ўтса маълум бир даврга бориб қолади, албатта. Лекин бу реаллик эмас. Жамият реалликдан узоклашиб кетган деган хулоса келиб чиқяпти.

Масалан, қора ўра тубсиз кутубхонага ўхшайди. Ҳамма билимни у ердан топиш мумкин, лекин тирик хужайралар билан боғлиқлик томони йўқ. У ерда дин илмлари ҳам бор, Сукрот ҳикматлари ҳам бор — бутун дунёнинг хотираси бор- худди шайтон ҳамма илмдан хабардор бўлгани каби, лекин тирик хужайралар йўқ. Қора ўрага тушиб чиққан, масалан, ғирт чала мулло ўзини доим 8 асрда яшаётгандек ҳис қилиб туради. Салла ўраши-ю чопон кийиб юриши-ю илмлар йиғиндисидан гапириши шундан далолат беради. Лекин бу реаллик эмас. Илм йиғиндисидан гапирган одам ҳеч қачон реалликдан сўзламайди. Гапирган илми қайси асрдан олинга бўлса ўша асрни бошни кечирапти, қора ўра ичидан ўтиб ўша асрга тушиб қолган, холос.

Балет ёки «зато тинчлик»

Ўткан ҳафта янгиликларда ўқувдим, Жанубий Корея аскарлари тушқунликдан қутулиш учун балет билан шуғулланиётган экан. Бизда эса қора ўрага тушганлар ракс туша бошлашади. Агар тўйларда эътибор берсангиз, кап=катта одамлар ўртага чиқиб раксга тушишади. Бу шавқнинг ёки ракси самонинг аломати эмас. Шунчаки, қора ўра раққосни хоҳлаган мақомига солади. Тирик хужайралари ҳаракатга келтирмаган одамларнинг умри шундай яқун топади, реалликдан узилиб қолади. Астроматн тузиб реалликка қайтиб келганда эса вақт ўтиб имкониятлар бой берилган бўлади.

Рақсга тушмасдан яхшиси астроматн тузиш керак, шунда биз «зато тинчлик» шиори остида ана шу тирик хужайралар билан уруш қилиб юрганимизни ўз кўзимиз билан кўриб қоламиз. «Шукр қилмайсанми, тинчлик даврида яшаяпмиз» дейишади, аслида тирик хужайралардан ташкил топган ифода -сўзлаш ҳуқуқини поймол

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

этишмоқда. Хужайраларни қора ўра ўз домига тортиб кетмоқда. Ботинимизда уруш бўлаётганини ҳеч ким англамайди, эртага у зоҳирга чиқади: аслида тинчликни таъмин этувчи тирик хужайраларга қарши ҳар кун ҳар дақиқа уруш қиляпмиз. Тирик хужайраларга қарши қарорлару қонунлар чиқяпти.

Мамлакатда бир дона ҳам демократик институт йўқлиги бунинг исботи, албатта. Номигагина борлари, айнан қора ўра ичидан ўтиб ғарбда яшаб ўтилган институтларни имитатсия қилмоқда.

Ботинимизда қақшатқич уруш кетяпти. Кўринмас нурли ипдан ташкил топган тирик хужайраларни фикрга, моддиятга айлантормасдан қора ўрага тикяпмиз. Бир кунмас

бир кун қора ўра тўлади, шунда порглаш содир бўлади. Тирик хужайраларнинг гравитатсия тўлқини жамиятнинг ўлик тинчини бузиб юборади.

Постмодерн давр ҳам эскиргандай, гўё Астро даври келмоқда. Коинотнинг чексизлиги қарашларни ўзгартиришни талаб қиляпти.

Ўзгарамизми?

Манба: bbc.com/uzbek

Россия Қирғизистондан ГЭС қурилишига сарфланган 37 миллион долларни қайтаришни талаб қиляпти

Қирғизистон ва Россия ҳукуматлари ўртасидаги Юқори-Норин гидро электр станцияси каскади ва Қамбарота 1-ГЭС ларини қуриш ва ишга тушириш ҳақидаги битим бекор қилинган. Энди Россия Қирғизистондан қурилишга шу пайтгача сарфланган маблағ, 37 миллион АҚШ долларини қайтаришни талаб қилмоқда.

2012 йилнинг сентябр ойида имзоланган шартнома Қирғизистон учун буюк келажакни таъминлаши лозим эди. Йирик ГЭСларнинг қурилиши мамлакатни барқарор электр таъминотини қафолатлаши, янги иш жойларининг яратилиши, технологиялар, чет элга энергияни сотишдан келадиган валюта тушуми, шунингдек минтақада сиёсий ўрнини мустаҳкамлаши керак эди. ГЭС қурилишлари лойиҳалари бир неча бор Қирғиз-Россия ҳамкорлигининг фойдали эканлиги сифатида ҳавола қилиб келинди. Аслида эса бошқача бўлиб чиқди. 2015 йилнинг охирида Қирғизистон президенти Олмосбек Отамбоев шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга келиш сабаби сифатида, Россия тарафи уч йил давомида лойиҳа учун керакли маблағни топа олмагани ва унинг ишга туширилишини жиддий кечиктирганини айтган.

“Кўраяпмизки, ҳамкорларимиз шартномани бажара олмайди... Шу сабабдан биз Россияга келишувдан чиқишни таклиф қилдик ва бошқа инвестор қидиришни бошладик”,- деган мамлакат раҳбари.

Қурилишларнинг чўзилишининг иккинчи сабаби – Қирғиз тарафининг қурилиш учун керакли ер майдонини ажратиб бера олмаганлиги, дея таъкидланади.

ЎХХ хабарлар бўлими



Нью-Йорк суди Каримова пуллари борасида келишиб олиш учун уч ой муҳлат берган

«Фарғона» ахборот агентлигининг хабар беришича, Нью-Йорк суди Ўзбекистон президентининг тўнғч қизи Гулнора Каримовага қарашли оффшор фирмалари қўллаб келган жиноий схемалар ёрдамида топилган ва ғарб мамлакатлари банкларида музлатиб қўйилган юзлаб миллион доллар пуллар бўйича суддан ташқари тартибда келишиб олиш учун АҚШ ва Ўзбекистон адвокатларига уч ой муҳлат берган. Нью-Йорк судининг федерал судьяси Эндрю Картер томонларга 31 октябргача янги муҳлат берди. Агар тинч йўл билан келишиб олишга эришилмаса, суд тортишуви қайта бошланади.

Ҳақ америка прокуратураси томонидан мусодара қилинган \$850 млн, шу жумладан, Швейцарияда музлатилган ва АҚШ, Ирландия Люксембург ва Белгияда блоклаб қўйилган гўё Гулнора Каримовага қарашли \$300 млн ҳақида кетмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йил кузидан бери Швейцария, Голландия, АҚШ ва Швейцария прокуратуралари телекоммуникация бозорларида Гулнора Каримова билан боғлиқ шубҳали битимлар

устидан текширув ўтказишмоқда. Коррупция ва уюшган жиноятчиликни ўрганиш маркази (Organized Crime and Corruption Reporting Project, OCCRP) маълумотига кўра, Каримова кам деганда олтига телекоммуникация компаниялари билан алоқаларда жиноий схемалардан фойдаланган. Унинг шартларига кўнганлар Ўзбекистонда фаолият юритиш учун лицензия олишда қийинчилик кўрмаган, унинг таклифини рад этганларни хонавайрон қилган, бунақаларнинг орасида учта америка компаниялари бор эди.

Эслаиб ўтамиз 2015 йил августда АҚШ ҳукумати Ирландия, Бельгия, Люксембург, Швеция ва Швейцарияга мурожаат қилиб, “ўзбек иши” бўйича умумий қиймати 1 млрд долларга тенг активларни ҳибсга олишни сўраган. 2016 йил январида Ўзбекистон адлия вазири Нью-Йорк суди судьяси Эндрю Картерга мактуб билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон ғарб банкларида музлатиб қўйилган пулларни қайтариб олиш ниятида эканини маълум қилган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Оҳангарондаги паспорт тизими — муаммолар ва қонунбузарликлар макони!

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Ички Ишлар Бўлимида Паспорт бўлими бор. Унинг ҳозирги раҳбари — сержант Юлдашев Равшан. Умуман айтганда, бу — офицерлик лавозим. Бундан ташқари, Р. Юлдашев пора эвазига биометрик паспортларни тўғирлаб беришни конвейер даражасига етказган, шекилли — бунга бир нечта мисоллар бор.

Мана айримлари: Исраилова Доно (16.06. 1975 йилда туғилган), паспортини Россияда йўқотган, биометрик паспортини жуда тез олган — жарақ-жарақ доллар эвазига. Янги паспортни июнь ойида (4 ой деганда) олган. Нима деб ўйлайсиз, текингами?

Яна битта мисол: Умаров Ёдгор Камалович (2-к/т, 6/7 уй, 3 квартира манзили бўйича рўйхатдан ўтган) — у ҳам паспортини Россияда йўқотган, лекин тезда янги паспорт олди — июль ойида. Бу

— билганимиз. Ҳамёнида доллар йўқлар нима қилсин? Чунки ўзга давлатларда фуқаролик паспортини йўқотиш — бу жуда катта муаммо. Бу муаммони ечиш учун 3-4 ой вақт камлик қилади — оддий фуқаро учун. Лекин доллар берсангизчи? Жавоб аниқ!


Республика ОВИР бошлиғи Шорихсиев, Тошкент вилояти ОВИР бошлиғи, Оҳангарон туман ИИБ бошлиғи подполковник М.Х. Аҳмаджонов, Оҳангарон туман прокурори Г. Муҳаммедов, Оҳангарон туман МХХ бошлиқлари қаерга қарамоқда? Ёки уларнинг тиллари бирми, чунки чора кўрилмабди.

Мисол учун: 2015 йилнинг охирида Равшан Юлдашев ўз хизмат хонасида фуқаролардан пора олаётганини бу хонада ўрнатилган веб-камера орқали кўришганку! Нима учун Равшан Юлдашевга нисбатан ҳеч қандай

чора кўрилмади?

Тасодифди қаранг: паспорт бўлими раҳбарининг маоши тахминан 1 миллион сўм атрофида. Лекин Р. Юлдашев бу лавозимга ўтирганига 8 ой бўлмасдан, тагига шикарий машина олди, ўз жигарларига Ангрен шаҳридаги бозорда кўша-кўша дўконлар очиб берганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Қариндош-уруғларининг тагига машина олиб берганиничи? Сертификат ўзи нима? Бизнинг фуқаролар чет элларга бориб, у ерда фуқаролик паспортини йўқотса, янги паспорт олиши керак. Паспортгача шу сертификат билан юришга мажбур. Бу ҳолат оилаб ва йиллаб давом этиши мумкин. Лекин пора эвазига паспортни олиш мумкин экан Оҳангаронда! Фақатгина Равшан Юлдашевга мурожаат этса бас...

ЎХХ тахририятига келган мактуб



Ўзбекистонда ароқ радди бало...ми?

Худога шукр, ўткан ҳафта маҳалланинг профилактика инспектори менга нисбатан «Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қарор» чиқариб 390 720 сўм жарима ёзди. Ўзбекистон Республикаси МЖТК. нинг 223-моддаси 1- қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганим учун экан, ё тавба.

Нима эмиш, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмасдан юрган эмишман, бомж деяверинг. Ўзим пулга зорман, ишсиз, буларнинг

қилиғини қаранг. Феодал даврларда ҳуқуматлар доим халқнинг қонини ичишган экан, қонхўрлар.

Ҳозирги даврда ундай эмас, қон ичишмайди, нари борса ароқ ичишади, Худога шукр.

Ўткан куни хусусий тадбиркор дўстимнинг офисига борганим, 390 минг қарз сўрайман деб, намозхон одам. Шкафида Тошкентда ишлаб чиқариладиган қимматбаҳо «Ягона» номли ароқ турибди. «Тинчликми?»- дедим. «Тинчлик бўлсин деб, шу турки

курсини кўйибман. Милса келиб офисда намоз ўқияпсан деб тухмат қилиши мумкин. Ишхонамда ҳеч ким намоз ўқимайди, ўқигани ҳам кўймайман. Нотинч замонда ароқ-радди бало экан!»

Қизиқ, 15 асрда бунинг акси бўлган, шекилли. Тасаввур қилинг, бўзахўр дурадгорнинг ишхонасига миршаблар бостириб кириб бўза излай бошлайди, пора ундиримиз деб. Қарашса, токчада Қурьони Карим турибди. Бўзанинг ҳиди ҳам чикмайди. Айёр бўзахўр дурадгор кўза тўла бўзани ерга кўмиб кўйган бўлади-да.

Мўмин дўстимдан 390 минг сўраганим, 400 минг сўм берди, «Қайтараман»- дедим. Кафега кирдим. Ортиқча 10 минг сўмга бўзахўрлик қиламан, харҳолда, ароқ- радди бало экан. Бурчакдаги столда мени жаримага торган ўша милсанинг шериги ва менга ўхшаган қишлоқдан келган иккита «бомж»лар ўтирибди, афтидан Тошкентлик эмасди улар. Нега ўтиришгани сабабини ёзмайман, албатта.

Аммо Ўзбекистон спиртли ичимлик истеъмол қилиш бўйича нима сабабдан пешқадам мамлакатдан бирига айланганини тушуниб етгандай бўляпман..

**Бойсунқур
Ваган**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади.

Давлат бошқарувининг давлат ва аҳоли манфаатларига муносабати тўғрисида.

1994 йил 1 июль куни Ўзбекистон мустақиллигини асосий белгиси бўлган ўзбек сўми ўзининг мустақил фаолиятини бошлади. 1994 йил 1 октябрь кунидан бошлаб Ўзбекистон давлатини ўша даврда бошқарган ва ҳозир ҳам бошқариб келаётган Президент И.Каримов ва унинг режими давлатимиз ва аҳолимиз манфаатларига нисбатан ғирромлик, зараркунандалик ва душманлик йўлини танлади. Ўша даврда самарасиз ва зарарли давлат бошқарувини ислох қилиб, ўрнига давлат ва аҳоли фаровонлигига етакловчи қийин ва узоқ йўлни бошлашни Ислом Каримов мутлақо истамасди. Унинг раҳбарлигидаги ҳукумат 1994 йил 1 октябрдан бошлаб аҳоли манфаатларига нисбатан эълон қилинмаган уруш ҳолатига кирди ва бу урушни шу кунларда ҳам давом эттирмоқда. Айнан шу кундан бошлаб И.Каримов шахсан давлат бошқарувидаги коррупцияни вужудга келтирди.

Орадан 22 йил ўтиб аҳоли манфаатларига нисбатан эълон қилинмаган уруш аҳоли тинқасини буткул қуритди.

Давлат бошқарувидаги ўзбек сўми билан чамбарчас боғланган коррупция бугун давлат хавфсизлигига ўта жиддий хавф солмоқда.

2015 йилнинг иккинчи ярмидан яққол кўрина бошлаган “Буюк” молиявий иқтисодий бўҳрон жонажон Ўзбекистонимиз аҳолисига 2016 йилда ҳам ўзининг дахшатли ҳукмини ўтказиб келмоқда. Давлатимизнинг ва шахсан И.Каримовнинг бу инқироздан чиқиш режалари борми? Оламшумул ютуқлардан эсанқираб қолган Президент ва унинг режимига “Буюк бўҳронни” ичларидан тилларига чиқариш учун қанча вақт керак бўлади? Яна қанча вақт ночор фуқароларимиз ҳукуматданжабр, зулмвазўравонлик кўриб яшашлари керак? Бу каби саволларга жавобни зийрак, зехнли ва фахм фаросатли фуқароларимиз шахсан И.Каримовдан сабр билан кутмоқдалар. Бироқ И.Каримов ва унинг режими давлатимиз ва аҳолимиз “Буюк бўҳрон” домига тушиб қолганини ўз тилларига олиб, уни эътироф этишдан



Омонатга хиёнат — 15

қаттиқ чўчимокда. Албатта И.Каримов юқорида зикр этилган ҳаракатларни ошқор бўлишини мутлақо истамасди. Индамаслик, эътиборсизлик ҳаракатлари билан И.Каримов сиёсий мунофиқлик томон юзланмоқда. Нима ҳам дердик, бу Президентнинг шахсий хаёти.

Жорий ҳукуматни шахсан у ташкил қилган ва ўзи билганича давлатимизни ҳозирча бошқариб келмоқда. “Буюк бўҳрон” И.Каримов ва унинг режимини давлат ва аҳоли манфаатларини устивор таъминлаш борасида ўз вазифаларини бажармаётганини яққол намоёиш этмоқда. Кимни ким эканлигига баҳо бериш давлатимиз ва аҳолининг иши. Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам очилади.

Тақдир ва пешонадаги Оллохнинг битиги не инсонларни лол қолдирмаган. Подшоҳларни гадолик кўчасига улоқтириш, ҳукмдорларни ва Президентларни жиноятлари учун кечириш ва қамокқа олиш, инсон пешонасидаги битикларнинг қисқа баёнидир холос. “Хар қандай ёмонликни яхши тарафи ҳам бўлади”, дейди доно халқимиз.

Бугунги “буюк инқироз” И.Каримов режимини жуда айёрлик билан пухта режалаган қора, яширин ва қинғир ишларини жамоатчилигимизга ва тегишли махсус ташкилотларимизга ошқор қилмоқда.

Аҳолининг 7 ёшдан 70 ёшга қадар бўлган қисми кўз ўнгида Президент И.Каримов, Бош вазир Ш.Мирзиёев, Марказий Банк раиси Ф.Муллажонов ва унинг ўринбосари У.Мустафоевлар ўзлари ўтирган дарахт шохини ўзлари кесиб, шох билан бирга ўзлари ҳам йиқилиб тушдилар. Уларнинг бу аҳмоқона ишларини давлатимиз ва аҳолимиз вакиллари кузатиб туришибди. Ерга қулаган дарах шохини ўзбек

сўми, чакана нархлар, товар пул муносабати эканлигини улардан бошқа барча ўзбекистонликлар жуда яхши биладилар. Аҳмоқ одамлар атрофида доимо қаллоблар топилади ва тўпланди. Аҳмоқ ҳукуматлар эса давлат бошқарувидаги коррупцияни яратадилар ва ривожлантирадилар.

И.Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон Марказий Банки воситасида амалга оширилган қонунлаштирилган ўғрилиқ, босқинчилик ва қароқчилик сиёсати бугунги дахшатли “буюк инқироз” ни юртимизда пайдо бўлишига бош сабабдир. Марказий Банkning монетар сиёсати ниқоби ортига яшириниб, қилмиши эгри, емиши харом бўлган одам қиёфасидаги шайтонлар гуруҳи сабаб, жонажон ватанимизда “Буюк инқироз” ҳукмдорлик қилмоқда.

Ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун юқорида зикр этилган ҳаракатларни содир этган И.Каримовни ўзи ҳам, унинг режими ҳам бугунги инқироз қаршисида ожиз ва заиф эканлигини Ўзбекистонликлар билиб турибдилар.

И.Каримовни ўзини ва унинг режимини 22 йил давомида аҳмоқона сиёсат олиб боганини қуйидагилар тўлиқ исботлайди:

1. Миллионлаб ўзбекистонликлар меҳнати билан яратилган ва келгусида уларга қайтарилиши лозим бўлган ўзбек сўмида жамғарилган ва сақланган тахминан 6 миллиард доллар қийматидаги нафақа жамғармаси маблағларини кадрсизланиб йўқотилиши.

2. Марказий Банkning ва бошқа барча банкларнинг сўмда сақланган, асосий ва айланма маблағларини пул жамғармаларини (тахминан 15-20 миллиард доллар қийматида) кадрсизланиб, йўқотилиши.

3. Барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ва аҳолининг сўмда сақланган ва жамғарилган (тахминан 20 миллиарддан зиёд айланма ва асосий) маблағларини, пул жамғармаларини кадрсизланиб, йўқотилиши.

4. Аҳолининг 1992 йилги давлат заёми облигацияларига жалб қилинган бир неча миллиард доллар қийматидаги пулларни кадрсизланиб йўқотилиши.

5. Президентнинг шахсий ташаббуси билан Ўзбекистон Банкларида жалб қилинган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

аҳолининг ва аҳоли уюшмаларининг омонат пулларини ўғирланиши, камомадга йўл қўйилиши ва қадрсизланиши оқибатида йўқ бўлиб кетиши.

6. Ўзбек сўми жамғариш вазифасини бажармай, бу вазифани АҚШ долларига топшириб қўйгани.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар давлат ва аҳоли манфаатлари нуктаи назардан шак шубҳасиз қилинган аҳмоқликлар натижасидир.

Бирок И.Каримов ва унинг режими юқорида таъкидлаганимиздек бу сиёсий йўлни 1994 йилнинг 1 октябридан бери иккиланмай, ҳеч бир изоҳсиз давом эттириб келмоқда.

Фалакнинг гардиши билан вақтинча харбий, молиявий, маънавий устунликка эришган И.Каримов ва унинг ижроия ҳукумати қонунчилик ва суд ҳокимиятини ишғол қилишга ҳам муваффақ бўлди. Шунинг билан баробаринда оммавий ахборот воситалари ҳам бутунлай жиловланди.

Тақдир И.Каримов ва унинг режими олиб бораётган аҳмоқона сиёсатдан қайтарадиган барча одамларни, барча кучларни йўқ қилинишига олиб келди.

Битта шахснинг нотўғри ва хато танлови бутун бошли режимни нотўғри ва хато йўлига айланди. Қонунчилик ва суд ҳокимияти, шунингдек ОАВ И.Каримов ва унинг режимини адолатсиз, ақлсиз ва аҳмоқона йўлдан қайтариш ўрнига ўзлари шу аҳмоқлар сафидан ўрин олдилар.

Давлатимиз ва аҳолимиз ўз манфаатларига қарши курашган одамларга ўзини муносиб баҳосини албатта беради, бунга шак шубҳа йўқ.

“Буюк инқироз” Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасини, вилоят ва туман ҳокимликларини оғир кунларда чакана нархларнинг ўсиши, ўзбек сўмининг қадрсизланиши, товар пул муносабатларини издан чиқиши, озор чекаётган, қийналаётган ва катта талофатлар кўраётган оддий фуқаролар, камбағал бева бечоралар, нафақахўрларга нисбатан ҳамдардлик хиссини йўқотганини яққол кўрсатмоқда.

Фуқароларимиз Президент И.Каримовни 25 йилдан бери ўзбекистонликларни камситувчи ва таҳқирловчи, Конституцияни



қатор моддаларини бузувчи энг кам иш ҳаққи миқдорини белгилаб келаётганини жуда яхши биладилар. Бундан ташқари бу инсон бир неча миллион ўзбекистонликларни унга ишониб ёзган мактубларига шахсан жавоб бермай уларга нисбатан хурматсизлик кўрсатаётганлиги жамотчиликка маълум. Шунингдек, бу инсон фуқароларни қабул қилмай, уларни ҳаётларига қизиқмай қўйгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолимизнинг деярли ярмидан кўпи турли туман муаммоларининг ечимини тоаполмай азоб укубат чекаётган бир пайтда юқорининг уларга нисбатан ҳамдардлигини йўқотиши Ўзбекистон Республикасини фуқаролар уруши бўсағасига олиб келди.

“Буюк инқироз” Ўзбекистонда фуқаролар урушини бошланиши сабаби ва эҳимолӣ манбаларини яққол кўрсатмоқда:

1. Қарийиб 5 миллионга яқин нафақахўрларни нафақа пули билан таъминлаш манбааларининг кундан кунга қисқариб бораётганлиги.

2. Аҳолининг сув, электр ва иссиқлик энергияси, газ, ер мулк солиғидан ва бошқа тўловлардан йиғилиб қолган давлат олдида қарийиб 5 триллион сўмлик қарзи ва бу қарзларни улар тўлай олмаслиги муаммоси.

3. Мулкчиликнинг барча туридаги хўжалик субъектларининг давлатдан, бир бирларидан йиғилиб қолган триллион қарзлари ва бу қарзларни улар тўлай олмаслигининг оқибатида миллионлаб одамларнинг ишсиз, пулсиз ва химоясиз қолишлари.

4. Куч ишлатар тизимлари, ИИБ, МХХ, ФХВ ва мудофаа вазирлигининг инқироз вақтида тўлиқ молиялаш имконияти чегараланганлиги. Моддий ишлаб чиқармайдиган одамларни хаддан зиёд кўплиги сабабли уларни барчасини пул билан таъминлашнинг имкони йўқлиги.

Камина Жаҳонгир Шосалимов 2016 йил 1 августда Ўзбекистонда

ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинани сотиб олиш учун Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган Учтепа МЧЖ Автосалонида бордим. Шу куни мен юқорида зикр этилган Автосалонда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва қонунларини бузилишини, ўзбек сўмини камситилиши ва ватанимизнинг ягона тўлов воситаси ҳисобланмаслигини гувоҳи ва шохиди бўлдим. Автосалон раҳбарининг муовини Холтаев Азиз менга “ЖМ” корхонасининг юқоридан туширган кўрсатмасига асосан мен билан Автосалон ўртасида ўзбек сўми билан автомашина сотиш шартномасини тузмаслигини билдирди. Ўзбек сўми воситасидан “Спарк” русумли автомашина сотиб олиш учун “ЖМ” корхонаси раҳбарига ёзма мурожаат қилиш ҳақида ҳолис маслаҳат берди.

Биз ўзбекистонликлар “ЖМ” автокорхонасини ва унинг раҳбарлари Бош вазир Ш.Мирзиёев ва Президент И.Каримовлар эркатойларни эканлигини жуда яхши биламиз. “Бола азиз, одоби ундан азиз”, дейди доно халқимиз. Ўзбекистон давлат суверенитетини бузишга давлатимиз ва халқимизнинг рамзий фахри бўлган ўзбек сўмини юртимизда фаолиятини таъқиқлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ш.Мирзиёев ва И.Каримов ватанимизда ишлаб чиқарилаётган ўнминглаб автомобилларни АҚШ долларига сотилиши “қора бозорда” АҚШ долларига бўлган талабни кескин ошириб юборишини билмайдиган содда одамларми ?

Автомобил савдосидаги бу катта жиддий сиёсий хато оддий одамларни, камбағал фуқароларни ҳаётини янада қийинлаштиришини юқоридаги ташаббус ижодкорлари фахмига бормайдиларми ? Улар буни жуда яхши биладилар, уларнинг ўз муаммолари хал бўлса бўлди. Ўзбекистонни сув босса ҳам уларнинг тўпингга чиқмайди.

Президент И.Каримов ва Бош вазир Ш.Мирзиёев юқоридаги ҳолатлар ҳақида **и н д а м а ё т г а н л и к л а р и**, бепарволиклари, уларни давлатимиз ва аҳолимиз манфаатларига очиқ душманлик деб баҳоланиши лозим.

(Давоми бор)

Мустақил иқтисодчи:

Ж.Шосалимов

Ҳуқуқ химоячиси: **Ш.Рустамов**

5.08.16й



Ўзбекистонда... Сулаймоннинг узуги ҳақида

Мен учун мақола ёзиш тунда қабристонга бориб нутқ ўқиб келишдай воқеага ўхшамоқда. Тўғри, бу тушкунликнинг меваси, одам ўзини ифода қилмай юрса шу аҳволга тушади, руҳшунослар айтгандай «Мен»идан айрилади. Ёзган матни хира чиқади, ўхшамайди. Худди жин теккандай.

Утган ҳафта Лондонда маданий воқеа бўлди. Тўғрироғи, эскирган воқеанинг давоми кузатилди: Ҳарри Поттер саргузаштларининг навбатдаги китоби сотувга чиқти. Маҳаллий матбуотимиз айнан шу ҳафта бестселлер китобларни мутолаа қилиш хавфидан огоҳлантирди, оммавий маданият айнан шу китоблар орқали ҳам кириб келаётган эмиш.

Ҳарри Поттер ҳақида китобларнинг бир қисмини инглиз тилидан Мунира Менглиева исмли таржимон ўнгирган эди адашмасам, яна бир қисмини таржимон Шокир Долимов ўнгирмоқда деб эшитдим. Яқинда у Facebook саҳифаси орқали ҳам бу ҳақда кичкина баёнотча берган эди.

Ёзувчи Бахтиёр Абдуғафурнинг «Оламлар кураши» китоби Ҳ.П. шаклида шарқона руҳда ёзилган эди, менинг фикримча. Уткан йил «Йилнинг энг яхши китоби» деб анча дабдаба билан интернет саҳифаларида кўтар-кўтар қилинди ҳам. Кўп ўтмай ҳаммининг дами ичига тушиб кетди, қутилган натижа чиқмади: китоб кам тиражда сотилди. Умуман, сал жиддий адабиётнинг бозори касодга учради, шекилли.

Барча ёзувчию мунаққидлар бу масаланинг айбдорини топишгандек шоир Аҳад Қаюмга ташланиб қолишди. Сабаби, Аҳад Қаюм китоблари 100 минглаб тиражда эл орасида сотилмоқда. Адабиётшунос Дилмурод Қуроно «Шеърда мантиқ, дид, ахлоқ ва бошқалар хусусида» номли

узундан узоқ мақола ёзиб Аҳад Қаюм феноменини гўёки фош этиб ташлади.

Чунончи, у:» Дангалини айтсам, Аҳад Қаюм шеърларини ўқиганда «бу йигит ўзбек тилини биладимми ё энди ўрганяптими?» деган андиша келади.» деб ёзади. Тан олиш керак, 100 минглаб ўқувчининг талаби, диди шунақа «Ўзбек тили» савиясидаги китобларга кўзи тушаётгани факт, албатта. Аҳад Қаюм бўлмаганда, бошқа у каби шоир майдонга чиқарди, масалан. Ўқувчи тафаккури пастга шўнғиганидан далолат бу, албатта. Масалан, ўткан асрнинг 90 йиллар бошида Аҳад Қаюм даражасидаги китобларни ҳеч ким ўқимасди, бу ҳам факт.

Янги асрда Антропоморфист-одамшунос олимлар одам борлиғида жойлашган Худо зарраси ҳақида ёзишмоқда. Айтганча, «Минг бир кеча» эртақлар мажмуасида ҳам ушбу зарра ҳақида гап кетади, эсласангиз. («Янги аср авлоди» нашриёти «Минг бир кеча» ни ҳамёнбоп шаклда нашр этяптию лекин бу китоб ҳам кўзланганидек натижа бермаяпти, яхши сотилмаяпти шекилли. Кўзим тушиб қолади, китоб дўконларида чанг босган ҳолда турибди.) Сулаймон узуги, жавҳар, руҳ қуши, гавҳар, аждрҳо қўриқлаётган хазина ва хоказо. Мумтоз адабиётимизда ҳам шу ҳақда гурунг, ишора кетган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Яссавий асарларидаги жавҳар ҳақидаги матнларни эсланг. Одам Қадри тушунчаси ҳам, аслида ботиндаги ушбу заррадан тарқалаётган тирикликка айтилади, дейишади.

Антропоморфист олимлар, жамиятда адолат, ҳаё, сўз эркинлиги, тўғрилиқ ва бошқа шу каби абстрактдай гўё тўйилган тушунчалар ҳақиқатдан ишласа, одам ботиндаги ўша жавҳарга

шунча яқинлашиб боради деб хулоса қилишади. Аслида у орқали биз тирикмиз, ҳаракат қиламиз. Уни ҳозирги замонавий технологиялар орқали аниқлашнинг ҳам иложи йўқ, бу мумкин ҳам эмас дейишади. Донишманд Суқротнинг денгиз соҳили бўйида ўқишни ҳам билмайдиган ёш болани мушоҳадага чорлайди. Натижада унинг ботинидан Пифагор теоремасини «суғуриб» олади; болакай теоремадан хабари йўқ ҳолатда ушбу теоремани оғзидан «гуллаб» қўяди. Болалар фитрати асл илмлар жамланган ўша заррадан узоқлашмаган бўлади дейишади. Бор гап.

Антропоморфист олимлар фикри бузуқни қадимда жин дейишган деган мулоҳазани ўртага ташлашади. Шунингдек, чала-чулпа ва орқаси йўқ матн ҳам жинматн бўлади. Қадимда узуклар ҳукмдори Сулаймон жинларни ишлатиб баланд ва ҳашаматли биноларни қурдирган. Содда одамлар: «Жинлар ҳозир ҳам борми? Бор бўлса, қани улар?»- деган саволни ўртага ташлашади, албатта. Бу саволни фақат мулоҳаза этиб ва мушоҳада орқали одам ўз тажрибасида аниқлаб олиши мумкин. Одам ўзининг фитратидан қанча узоқ бўлса, демак у жинтабиат бўлади, ва ботиндаги осмондан унга ғоялар, илм, фикрлар энмайди. У осмондан бирор илм ўғирламоқчи бўлган тақдирда осмон қўриқчилари томонидан қувиб етилади, дейилади муқаддас китобда. Одам янгилик, ихтиро қилиш аввало нияти тоза бўлиши керак дейишади. Демак, бекорга айтилмаган экан бу гап: Ният- ярим давлат.

Ўша жавҳарга яқин бўлган одамлар ўша жавҳардан узоқ бўлганлар устидан ҳукм қилишга яқинроқ бўлади. Аслида ҳам дунёдаги бор тирик нарса шу жавҳарга тобе, ақл у орқали ҳосил бўлади.

Бундан чиқти, Аҳад Қаюм ўз жавҳарига яқин экан, шунинг учун 100 минглаб мухлису мухлислари бор дегани эмас. Аксинча, бу шоир образи орқали савиянинг, тафаккурнинг тушиб кетиши сабабларининг антропологик жиҳатларига кўз ташладик, холос.

Қайси мамлакатда одам Қадри биринчи ўринда турса, асосий масала бўлса ўша мамлакат куч-қудратли бўлади. Фикр тараққиётида доим янги босқичларга кўтарилади. Худди Сулаймон узуги соҳибидек бутун дунёга таъсир ҳам ўтказди, бу табиий албатта. Одам қадри ерга урилган жамиятлар эса худди Сулаймоннинг жинлари каби ҳаёт кечиришади...

**Бойсунқур
Ватан**

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев тадбиркорларнинг эркинлигига чекловлар қўйиши ва фаолиятига аралашуви натижасида Ўзбекистон Республикасининг энг асосий қонуни бўлган Конституция ҳам, бу қонундан ташқари бир қатор тадбиркорларни ҳимоя қилувчи қонунларни ҳам очик ойдин ўзининг қарорлари билан бузсада Прокуратура ва Суд жим кўриб ўтираверса, қачон қонун устиворлиги амалга оширилади.

Ўртоқ Ислоҳ Каримов ва Халқаро ОАВ, БМТ, Халқаро Инсон Ҳуқуқлари ташкилотлари аралашуви орқали ҳам пишагини ҳам «ПШИТ» деб бўлмайдиган Бош Вазир жавобгарлиги қачон кўриб чиқилади? Нега ҳамма «жим» ўтирибди ахир?

Мен биламан «Озодлик» ва ҳоказолар ёзаяпти имкон даражасида, лекин ҳеч қандай



Ш. МИРЗИЁЕВ ҚАЧОН ТАДБИРКОРЛАР ЭРКИНЛИГИГА ВА ИШ ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШУВИНИ ТЎХТАТАДИ?

натижа йўқ!!!

Бу Шавкат Мирзиёев қонундан кунга қутуриб кетаверса охир нима бўларкан? Аҳвол яхшиланиш ўрнига қонундан-қонунга ёмонлашиб бораётганини ҳамма билади, лекин ҳамма раҳбарлар «ЖИМ».

Аксинча Бош вазирнинг барча ноқонуний буйруқлари қонун ўрнида кўрилади. Бош Вазир «Протоколи»да шундай дейилган, «бу буйруқ қонунлардан ҳам устун».

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан «Силовой структура» барчаси биргаликда, тадбиркорларни ҳимоя қилишни ўрнига уларни эзғилаб йўқ қилиб, ҳатто бўйин эгмаганларини сунъий, «Сфабрикованный» равишда қаматиб юбормоқда.

Зўравонлик индамагани сари янада кучайиб, давлат кашшоқлашиб бормоқда. Масалан: Бош Вазир топшириғи билан, яъни Протоколи билан, ҳокимят томонидан боғдорчилик Фермерларнинг ҳаммаси сунъий айбловлар билан тугатилиб, ерининг атига 3 гектарини фермерга қолдириб қолганини тортиб олиб бошқа фермерларга тайёр боғлари билан пулланмоқдалар. Яъни фермер ушбу ерларни 50 йилга тендрдан ютиб олган, сўнг бу ерларда боғу-роғларни барпо қилган бўлсада, фермернинг ҳоҳишига қарамай мажбурлаб тортиб олиб, яна бошқаларга сотиб юбормоқдалар.

Бош вазир ҳокимларга қандай бизнес қилишни ўргатмоқда. Бунга

нима дейсиз?

Ёки бўлмаса фермерларнинг барчасини, боғ йўналишини алоҳида, пахта-бугдой йўналиши алоҳида, чорва алоҳида ва ҳоказо фермерларни алоҳида қилиб, биттагина буйруғи билан турли банкларга бўлиб чиқган. Марказий банк бу буйруқни қонунга айлантириб, фермерларнинг рухсатисиз уларга хизмат кўрсатувчи банк ҳисобларини бошқа банкларга кўчиришган. «Тадбиркорлар банкларни ўзи танлайди» деган қонун қани?

Қизиғи шундаки бу қилинаётган ишларнинг барчаси Бош вазир «Протоколида», «фермерларни ривожланиши мақсадида» дейилган...

Таҳририятга келган мактуб

Эртага Петербургда Эрдўғон ва Путин учрашуви бўлиб ўтиши мўлжалланмоқда. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги шундай фикр билдирган, “Эрдўғон ушбу ташрифи билан Ғарб лидерларига ўйлаб кўришга имконият бермоқда”. Туркия президенти Ражаб Тойип Эрдўғоннинг эртага амалга ошириладиган Россияга ташрифи ғарб матбуоти ва жамоатчилик томонидан диққат билан кузатиб борилмоқда. Айниқса, АҚШ ва Оврўпа иттифоқи ушбу ташрифга катта аҳамият бермоқда, ҳар бир ўзгаришларни дарҳол кузатмоқдалар. Халқаро оммавий ахборот қоситалари ҳам ушбу ташрифга катта қизиқиш кўрсатмоқда. Булардан бири Reuters ахборот агентлиги.

Путиннинг Ғарбга мурожаати

Reuters, Туркия президенти Эрдўғоннинг Россияга амалга оширадиган ташрифи билан боғлиқ қизиқарли бир таҳлилин чоп этди. “Туркиядаги давлат тўнтаришига уруниш Ғарб билан алоқаларни узоклаштираётган бир пайтда, Россия билан алоқаларнинг юмшаши жадал суратларда ўсмоқда” номли таҳлилида, Эрдўғон амалга оширадиган муҳим ташриф, Туркиянинг АҚШ ва Оврўпа иттифоқи билан алоқалари натижасида юзага келди, дейилади. Мақолада, Эрдўғон “Ушбу ташриф билан, Ғарбга ўйлаб кўриш учун имконият беришни умид қилаётган бўлиши мумкин”, деган фикр

келтирилган. Таҳлилда, “Туркия расмийлари, Эрдўғоннинг ташрифи НАТО аъзоси ва Оврўпа иттифоқига кириш учун номзод мамлакатнинг Ғарбга орқа ўгирди деган фикрга келмаганлиги борасида қатъий фикрдалар” дер экан, шундай ифодаларни келтирган:

Икки истисно мамлакат

Таҳлил шу ифодалар билан давоб этилган: “Туркия расмийлари, шубу ташрифнинг 15 июл давлат тўнтариши урунишидан бир неча ҳафта аввал бошланган Туркия-Россия яқинлашишининг навбатдаги қадами эканлигини айтмоқдалар. Лекин Москва билан совуқ алоқаларнинг илиқлашиши,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Анқаранинг Ғарб билан алоқалари деярли ўзгармаётган бир вақтга тўғри келмоқда.”

Кўплаб мутахассислар фикр билдирган таҳлилда Россия Ташқи ишлар вазирлигига яқин бир фикрий уюшма бўлган Халқаро

алоқалар кенгаши бош директори Андрей Кортуновнинг шу шарҳи диққатни тортди: “Ғарб ташвишга тушишидан, Россия ва Туркиянинг икки истисно мамлакат эканлигини айтиш мумкин... Вазиятга қараганда, муваффақиятсиз давлат тўнтариши Туркия ва Россияни яқинлаштирди. Фақат икки давлат

орасида ҳали ҳам жиддий фарқлар бор. Эрдуғон-Путин учрашуви, томонларнинг ярашишни қай даражада исташларини кўрсатади. Жавоби қизиқтираётган савол шу: Ҳозирги тактик ижобий яқинлашув янада чуқурроқ бир стратегик ҳамкорликка айланадими?”

ЎХХ хабарлар бўлими

*(Расм дарслари
туркумидан)*

Менга расмдан дарс берган барча муаллимларим мени визуал (тасвирий) фикрлашга ўргатишди. Илк расм ўқитувчим хивалик Муҳаммаджон ака ҳам, Исфандиёр Ҳайдаров, Янис Салпинкиди, Чингиз Ахмаров, Шавкат ака Абдусаломов ҳам битта нарсани уқтиришди. Яъни расм бу соя ва ёруғ. Форма ва колорит. Яна пластика (шакл уйғунлиги) энг ёмон кўрган нарсам визуал эстетикадан беҳабар адабиётчиларнинг расм ҳақида ҳикоя қилиши эди.

“Ўзбекистон санъати” деган журналда Нодир Норматов бошчилигидаги адабиётчилар расмоз чизган



калиш кийган киши хўмрайиб кириб келяпти. Орқа планда эса ТВ вишкаси, симёғочлар кўриниб турибди...

Бир амаллаб расмни битириб устозга олиб бордим. Немцович расмга узоқ қараб туриб:

— Бу нима деди.

—Сотволди акани ховлиси бу. Ўша ерда тураман дедим.

Домлам кўзойнаги устидан менга қараб эскейпизм (ингл. escape — қочмоқ, ҳижрат, ўз ёғига ўзи қоврилиш маъносида) нималигини биласанми деди. Мен билмаслигимни айтдим.

Немцович назарида Телевишка ва симёғочлар тараққиёт тимсоли. Дарвозахонадан чопонга ўраниб келаётган одам эса бу тараққиётдан қочиб ўзига ин

расмни “тушунтириб” мақола қилиб беришар эди. “Мен бу расмдаги деҳқон кўзларида дард кўрдим, фалон кўрдим писмадон кўрдим” деган гаплардан энсаларим котар эди.

Кейин билсам симфоник мусиқа ижрочилари ҳам шу каби талқинлардан бешишган экан. Айтайлик Навоий театрида симфоник оркестр бирорта этюд ижро қилди. Саид Аҳмад деган ёзувчи “Бу мусиқани эшитиб сойлар жилғалар планини тўлдирган колхоз далалари “ кўз олдимга келди деб ёзди.

Мусиқачилар ҳайрон “Бунақа гаплар йўқ эдику” деб....

Тошкентдаги ҳақиқий мунаққидларнинг бари русийзабон эди.

Ўзбеклари ҳам ўрисчадан бошқа тил билмас эди. Шулар ичида энг билимдони аҳли китоб мансуби бўлган Немцович деган домлам эди Расмни таҳлил қилишни менга айнан Немцович ўргатди. У киши қаламтасвирдан дарс берарди.

«Расм кўрилади, мусиқа тингланади»

Қоралама расмлар чизишни уй вазифаси қилиб берди. Мен биринчи курс студенти пайтимда Пахтакор метроси ёнидаги “Ўқчи” маҳалласида турар эдим. Аввалига ўзим турадиган ховлини чиздим. Ховлининг ўртасида сотиш учун экилган оқ хризантема ва қизил гладиолослар. Иккинчи планда эса ташқарига чиқадиغان дарвозахона. Дарвозахонадан чопонга ўраниб

қидираётган маҳлуқ. Маҳдуд ховли ва хризантемалар эса бу киши учун микродунёдир. Хризантеманинг оқ ранги эса таслимият тимсоли. Яъни Немцович назарида ташқаридаги ўзгаришлардан кўркиб инига беркинган одам трагедияси эди бу расм.

Домла менга эскейпизм акс этган расмларни кўрсатди. Сикейрос, Рене Магрит ва Пиросмани каби улуғ расмозлар асарлари мисолида “вокеликдан қочиш, ўзгаришлардан кўркиш, тараққиётдан четлашув” каби инсоний ҳолат рангтасвирда қандай акс этганлигини уқтирди.

Немцовичнинг айтишича, расмни тили расмдир ва бу расмни оддий адабиёт тилда ҳикоя қилиш имконсиз.

—Расм кўрилади, мусиқа тингланади, гул ҳидланади, овқат эса ейилади, — деган гапни бирор ўн марта эшитган эдим Немцович оғзидан.

Шухрат Бобожон
Расмоз





Беш кун бекор, икки кун дам

Европалик ўзи ўзбек инглизнамою французнамо бир олифта дўстим сўраб қолди: Ўзбекистонда ёз соз ўтяптами деб. Бу ҳақда ўйламаган эканман, ишсиз одам дам ҳақида ўйламайди, биринчидан. Иккинчидан, ишсиз одам ишлаган одамдан кўра кўп «ишлайди»- асабийлашади, маблаги йўқ, вақти хуш ўтмайди ва хоказо. Қисқаси, беш кун бекор, икки кун дам.

Аммо хусусий сектор вакиллари ёзнинг иссиқ кунларида европоликлардан қолишмайдиган даражада дам олишади. Пойтахтликлар учун кейинги 10 йил ичида Чорвоқ тоғида дам олиш урфга кириб бўлди. Бу йилнинг ёзида Чорвоқ сув омбори жойлашган ҳудудда вилоятликларнинг ҳам келиши кузатишган. Пирамида деб аталадиган бу ҳудуд, айниқса, водийликларнинг сеvimли масканига айланиб улгурган.

Чорвоқ сув омбори ён атрофида жойлашган хусусий ховли жой эгалари ижара нархларини яхшигина оширишган. Масалан, ховлисида бассейни ҳам бор икки хонали уйнинг бир суткалик ижара нархи 350 мингдан 400 минг сўм атрофида бўлса, теннис, бильярд залию бассейни бор яхши жиҳозланган ховлиларнинг бир суткалик ижара нархи 7 миллиондан- 8 миллионгача кўтарилган.

Ушбу нархлар тижоратчилар учун чўт эмас, хамир учидан патир! Айниқса, яқшанба кечидан душанба окшомигача Чорвоқ дам олиш масканларини «Отчопар» улгуржи савдо марказининг тижоратчилари тўлдириб ташлайди. «Отчопар»га яқин жойлашган «Ўрикзор»

улгуржи савдо маркази тижоратчилари бир йил мобайнида фақат янги йил, икки ҳайит, Наврўз ва Мустақиллик байрами кунигина дам олишар экан, қизик.

Бюджет соҳасидагилар, масалан, ўқитувчилар ёзги таътилни фақат уйларида ўтказишни маъқул кўришади, кўп ҳаражатни чўнтак кўтармаслиги табиий. Ўқитувчилар ёз ойида дам олиш ҳақида эмас, кўпроқ даволаниш ҳақида ўйлашади.

Жиззах вилоятининг Бахмалдаги тоғли ҳудуд дам олиш масканларига Тошкентликлар кам боришади. Асосан, Сирдарёликлар, Жиззахликларнинг ўзи ва Хоразмликлар бу гўзал ҳудудга кўп келишади. Чорвоқ ёки Билдирсойдагидай Бахмалда сервис нархлари баланд эмас экан.

Бухороликлар, асосан, Шаҳрисабзнинг Мираки дам олиш масканига келишар экан. Шаҳрисабзликларнинг айтишича, ёз ойларида Бухоро рақамидаги машиналар Китоб ва Шаҳрисабз тумани йўлларини тўлдириб ташлайди.

Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳли учун дам олиш масканларига бориш ғалати, тўғрироғи, ғайритабиий бўлиб туюлса керак. Ўзбек деҳқони



учун энг яхши дам бу- меҳнат!

Қишлоқдагилар ёппасига, одатда, ёз фасли бошланиши билан «ҳаво алмаштириб келиш учун» Россияга кетишади. Россияликлар эса одатда, ёппасига Туркия, Болгария, Малайзия, Таиланд ва бошқа ерларга дам олгани кетишади. Ўзбеклар ҳам Туркия ёки Таиланд, Хитойга сайёҳ мақомида боришмоқда, албатта. Лекин россияликлардай ёппасига эмас, сабаби моддий аҳвол билан боғлиқ. Иккинчидан, четга чиқиш учун паспортга овирдан муҳр уддириш масаласининг тез кунда ечилмаслиги ҳалақит берса керак.

Россияликлар бу йил Туркияга деярли боришмади. Сабабини биламиз. Аксинча, Қора денгизнинг Қримдаги соҳилларини забт этишди. Ўзбеклар учун Қримга бориш бирмунча қийинлашди. Аввал Москвага учуш лозим бўлади, сўнгра Москвадан Симферополга. Қрим аннексия бўлмасдан олдин Тошкентдан тўғри училарди. 4 соат ўтиб ўзингизни Қримда кўрардингиз. СССР кулагандан кейин ўзбеклар Қримга кам сонда боришади, чунки Туркиянинг денгиз бўйлари урфга кириб бўлди.

Ўткан йил ва бу йил қишлоқдагиларнинг Россияга оммавий кетиши бирмунча секинлашди. Ҳаво алмаштиришга борган мардикорлар ёз мобайнида дам олиш кунисиз ва тонгдан кеч тушгунча қурилишларда ишлашади. Тил билмайдиган ва содда ўзбек мардикорларининг меҳнатсеварлигидан россияликлар лол қолишган, албатта.

Тушуниш керак, мардикорлар емай-ичмай ва кам ҳаражат этиб кўпроқ маблағ билан уйларида қайтишни исташади. Асосан, октябр ёки ноябр ойида ватанларига қайтишади. Қиш фаслини беш кун бекор икки кун дам қабилида ўтказишади. Ёз фасли келишини интизор бўлиб кутишади, қишлашади.

Қишлоқ хўжалиги саноатида ислоҳот шабадалари эсмагунча шу зайлда давом этса керак. Яхшиси, яхши ният қилайлик! Эрону Ҳиндистонга, бу ёғи Хитою Россияга, кун келиб, ўзбек деҳқони тез юрар поездга миниб сайёҳ мақомида борса, ажаб эмас! Ҳозирча, қиш фаслида беш кун бекор, икки кун дам.

**Бойсункур
Ватан**
Манба: bbc.com

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Норвегиядан қайтган камида етти шахсни сўроқ қилмоқда. Бу ҳақда Озодликка хабар берган манбага кўра, сўроқ қилинаётганлар сўнгги бир неча йил давомида Норвегияда ноқонуний ишлаб, Ўзбекистонга пул жўнатиб турган.

Нима қилдинг? Ким билан учрашдинг?

Озодлик билан суҳбатлашган Норвегиядаги Ўзбекистон ватандошига кўра, Тошкентда у билган камида 7 киши “тахминан



НОРВЕГИЯ ҲУКУМАТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОШПАНА ИЗЛОВЧИЛАРНИ ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТДИ

бир ойдан буён кунига 8-10 соатлаб” хавфсизлик ходимлари томонидан сўроқ қилинмоқда.

Унинг сўзларига кўра, сўроқ қилинаётганлар ҳибсга олинмаган, бироқ уларнинг ҳар бири хорижда экан нима иш қилгани, ким билан мулоқотда бўлгани ва қай тариха уйига пул юбориб турганига оид кўплаб саволларга жавоб беришга мажбур бўлмоқда.

“Мен таниган йигитлар Норвегияда нелегал ишларди. Бу ерга Польша ва бошқа шарқий Европа давлатлари визаси билан келишади. Қора ишларга киришади. Бу ерга келган камдан-кам одам визаси келмасдан чиқиб кетади. Беш йиллаб, ўн йиллаб бу ерда қолади. Мисол учун, паспорти муддати ўтиб кетган, ОВИР муддати ўтиб кетган,“ деди у Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда.

Суҳбатдошнинг илова қилишича, ҳозирда сўроқ қилинаётган 7 шахс Норвегияда муҳожирлик мақомини олган шахслар орқали Ўзбекистондаги банк ҳисобларига тўплаган пуллари юбориб турган ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистон махсус хизматларининг “қизиқишини уйғотган бўлиши мумкин”.

Озодлик суҳбатлашган Норвегияда ноқонуний яшаб юрган бошқа ўзбеклар сўзларига кўра, улар ватанларига қайтишга “кўркиб” юришибди.

Нега Скандинавия давлатлари?

Франциядаги «Марказий Осиёда

инсон ҳуқуқлари ташкилоти» раҳбари Надежда Атаева Ўзбекистон махсус хизматларининг Скандинавия давлатларидан қайтганлар устидан назоратни “охирги икки-уч йил ичида кучайтиргани»ни айтади.

Надежда Атаеванинг ишонишича, назоратнинг кучайишига ўзбекистонлик муҳожирларнинг фаоллашгани сабаб бўлди.

“Умуман олганда, Скандинавия мамлакатларида ўзбек сиёсий муҳожирларининг энг йирик диаспораси яшайди ва улар инсон ҳақларини ҳимоя қилиш акцияларида бошқаларга қараганда фаолроқ иштирок этишади. Европанинг бу қисмида, БМТ конвенциясига мувофиқ, қочқин мақомини олган ўзбекистонлик кўплаб журналист, ҳуқуқбон ҳамда таниқли сиёсий ва диний фаоллар истиқомат қилади. Бизнинг мамлакатдан бўлган сиёсий муҳожирлар халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазияти ҳақида ҳар қачонгидан кўпроқ хабардор эта бошлашди. Бу жараён Ўзбекистон махсус хизматлари жиғига тегапти,” дейди Надежда Атаева.

Норвегиядан бошпана олган мустақил журналист Евгений Дьяконовнинг Озодликка айтишича, Скандинавия давлатларининг ўзбекистонлик диндорларга бошпана бериб келаётгани Тошкентни хавотирга солиб қўйган.

“Охирги пайтларда Ўзбекистонда нега бундай муносабат шаклланди? Менинг назаримда, Ўзбекистонда Скандинавия мамлакатлари, хусусан Швеция ва Норвегия, Ўзбекистонга хайрихоҳ бўлмаган мамлакатлар сирасига киритилган. Бунга сабаб ўзбекистонликларга энг кўп Швеция ва Норвегия сиёсий ва диний муҳожир мақомини берганидир,” дейди Евгений Дьяконов.

Расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқувчи Норвегия Марказий институтига кўра, бу мамлакатда расман 600 нафарга яқин ўзбекистонлик муҳожир сифатида қайда олинган.

Ўзбек фаолларига кўра, Норвегияда ноқонуний яшаётган ўзбекистонликлар сони расман қайддан ўтганлардан бир неча баравар кўпдир.

2014 йилда Норвегия олти нафар ўзбек муҳожирини Ўзбекистонга қайтариб юборган эди.

Улар Ўзбекистонга қайтарилиши билан қамоққа олиниб, диний-экстремизм ҳамда конституциявий тузумга тажовуз қилганлик айблови билан 12 йилдан 13 йилгача озодликдан маҳрум қилинди.

«Ўзбекистон» телеканалли бу шахсларни жиҳодчилик ва бесоқолбозликда айблаб, кўрсатув намоиш қилган эди.

Ушбу кўрсатувдан сўнг Норвегия ҳукумати ўзбекистонлик бошпана изловчиларни депортация қилишни тўхтатди.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Реальные Новости” ахборот агентлигининг хабар беришича, оммавий ахборот воситаларида Путин АҚШ ҳукуматининг 11 сентябр терактларига даҳлдор эканлиги далиллари, шунингдек сунъий йўлдош суратларини ҳам тақдим қилишга тайёр эканлиги тўғрисидаги маълумотлар тарқатилмоқда. Бу ҳақда биринчи ҳисобот 7 феврал куни Россиянинг “Правда” сиёсий газетасида чоп қилинган (мақола инглиз тилида ҳам берилган).

Кўпчилик ушбу



Путин: Россия АҚШ ҳукуматининг 11 сентябр терактларига даҳлдор эканлигини исботловчи далилларни тақдим қилишга тайёр

маълумотларнинг ишончилиги шубҳа билан қарамоқда, чунки “Правда” газетаси бевосита Россия Федерацияси Коммунистик партияси билан алоқадор. “Правда” газетаси 1912 йилда ташкил қилингандан сўнг Совет иттифоқининг етакчи газетаси бўлган, ҳаттоки Россия президенти Борис Елцин тарафдан сотиб юборилгандан сўнг ҳам кунига миллионлаб нусхада сотилган. Ҳозирда ахборот манбаи кунига бор йўғи 100 минг нусхада сотилапти. Америкалик танқидчилар фикрича манба “Фақатгина анти-америкавий танқидий мақолаларни чоп қилувчи, фитна назарияларини тадбиқ қилувчи сайтдир”.

“Правда” газетаси билан боғлиқ фикрларнинг қандай бўлишидан қатъий назар, Россия АҚШ ҳукуматининг 11 сентябр терактларига даҳлдор эканлиги ҳақидаги далилларга эга, деган фикр-мулоҳазалар анчадан буён муҳокама қилиниб келинмоқда. Баъзилар бу бор йўғи миш-миш дея ишонишади, бошқалар эса Россия далилларни сиёсий қурол сифатида сақлаб келмоқда, деб ҳисоблашади. Нима бўлганда ҳам Путин оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзу борасида сукут сақлаши лозим.

Шубҳасиз, ушбу мақоланинг биринчи нусхаси “Veterans Today” орқали АҚШга етиб борган:

“Қуйидаги мақола бизга АҚШда чоп этиш учун йўлланган ва рус тилидан таржима қилинган”.

Москва (“Правда”): Америкалик мутахассисларнинг фикрича, АҚШ ва Россия ўртасидаги муносабатлар

совуқ уруш давридан буён энг критик нуқтасида бўлишига қарамай, Путин Обамага арзимас даражада муаммолар келтирган. Мутахассисларнинг айтишича бу бор йўғи “Бўрондан олдинги сукунат”. Путин бир маротаба, аммо кучли зарба бермоқчи. Россия Америка ҳукумати ва махсус хизматларининг 11 сентябрдаги терактларга даҳлдорлиги ҳақдани далилларни эълон қилишга тайёрланмоқда. Далиллар рўйхатида сунъий йўлдош суратлари ҳам мавжуд.

Эълон қилинадиган ҳужжатлар АҚШ ҳукуматининг 11 сентябр терактларига алоқадорлигини, шунингдек ҳукумат томонидан жамоатчилик фикрининг муваффақиятли бошқариб келинганлигини исботлаши мумкин. Ҳужум АҚШ ҳукумати томонидан режалаштирилган, аммо Америка ва қўшма штатлари халқига ҳужум халқаро террор ташкилоти томонидан босқинчилик акти сифатида уюштирилгандек кўриниши учун бегона қўллар ёрдамида амалга оширилган.

Ўз фуқароларини ўлдириш ва алдаш учун сабаб эса Американинг нефт бозорларидаги ва Яқин Шарқдаги давлат корпорацияларидаги манфаатлари бўлган.

Далиллар шу даражада ишонарли бўладики, 11 сентябр терактларининг АҚШ ҳукумати тақлиф қилган расмий версиясини тамоман йўққа чиқаради.

Россия, бегона давлатларга ҳарбий аралашув учун баҳона топиш

мақсадида Американинг ўз фуқароларига қарши сохта террор байроғи кўллашдан тап тортмаслигини исботламоқда. 11 сентябр терактлари ҳолатида эса, сунъий йўлдош суратлари ишонарли далил бўлади.

Путин тактикаси муваффақиятга эришса АҚШ ҳукуматининг сирли террористик сиёсатини аён бўлади. Ҳукуматга бўлган ишонч йўқолади ва бу исёнга етакловчи оммавий норозиликларга олиб келади, дея ҳисоблайди америкалик мутахассислар.

Ва Америка Қўшма Штатлари жаҳон сиёсий ареналарида қай ҳолга тушади? Американинг халқаро терроризмга қарши кураш лидери сифатидаги позициясининг тўғрилиги бутунлай йўққа чиқади, ва бу баъзи давлатлар ва террористларга қўл келади.

Аслида воқеалар ривожини янада ёмонроқ бўлиши мумкин, дея огоҳлантиради мутахассислар. 11 сентябр терактлари борасидаги кимларнингдир фикрларидан қатъий назар бундай мақолалар тез-тез пайдо бўлмоқда, чунки борган сайин расмий ҳисоботларга зид бўлган далил-исботлар кўпроқ одамларга маълум бўлмоқда. Бундан ташқари, агарда Путин АҚШ ҳукуматининг 11 сентябр терактларига алоқадорлигини исботловчи далилларни эълон қилса, АҚШда аллақачон бунга жавоб режаси тайёр бўлиши мумкин, деган фикрдагилар ҳам мавжуд:

“АҚШ ҳукумати Саудияликлардан фойдаланишга урунишади ва ички хизматларнинг гўёки руҳсатсиз амалга оширилган ишлари айбини ўз бўйнига олувчи Буш маъмуриятидаги бир неча шахсларни нишонга қўйилади. Булар, Президент ва унинг маъмуриятидаги асосий мансабдор шахсларга билдирмасдан Саудияликлар билан иш олиб борган, бошқарувга бўйсунмаган деган тамға билан, айбни ўз бўйинларига олиш учун танланган, Буш маъмуриятидаги мансабдор шахслар”.

ЎХХ хабарлар бўлими



ХИТОЙ МУДОФАА ВАЗИРИ АРМИЯ ВА ХАЛҚНИ АҚШ БИЛАН УРУШГА ҲОЗИРЛАНИШГА ЧАҚИРДИ

Хитой халқ республикаси Мудофаа вазири Чан Ванцюан миллиарддан ортиқ хитойликларни расман “мамлакат суверенитетини химоя қилиш учун денгизда олиб бориладиган урушга” тайёр бўлишга чақирди. «Синхуа» ахборот агентлигининг хабар беришича, ядровий кучга эга қўшин бошлиғи бу ҳақда инспекторлик сафари давомида айтиб ўтган. У Хитойга денгиз ҳудудларида мавжуд хавфлар лар тўғрисида хабар берган.

“Армия, полиция ва халқ мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва суверенитети химояси учун сафарбарликка тайёр бўлишлари лозим”,- дея талаб қилган мудофаа вазири, ҳамда омма ичида фуқаролик мудофааси машқларини тарғиб қилиш ҳақида буйруқ берган.

Эслатиб ўтамиз, 12 июл куни Гаага арбитраж суд, Пекинда гўёки “Жанубий Хитой денгиздаги баҳсли оролларга даъво қилиш ҳуқуқи йўқ”лиги тўғрисида қарор қилган. Бунга жавобан ХХР раҳбари Си Цзинпин – бу ерлар қадимдан Хитойнинг ажралмас қисми бўлиб келганини таъкидлаган.

Гаага доимий арбитраж суди томонидан Хитой “кемалар, ҳамда балиқчилик ва нефт лойиҳаларига зарар етказиш йўли билан” Филиппин суверенлик ҳуқуқини бузди деб топганидан сўнг Хитой судни ташқи кучлар “қўғирчоғи”

деб атагани.

Шунингдек Хитой оммавий ахборот воситалари, ҳали 2013 йилдаёқ “Пекин бир томонлама даъвони ноқонуний ҳисоблашни, ҳамда судда ҳудудий низоларни кўриб чиқиш учун юрисдикцияси йўқлигини айтиб, суд жараёнида қатнашишдан бош тортганини” эслатиб ўтишди.

Кейинчалик, АҚШ денгиз кучлари низоли ороллар атрофида ҳаракатлана бошлагач, Хитой ҳукумати АҚШга “ўз сўзлари ва ҳатти-ҳаракатлари устида фикр юритишларини” талаб қилиб, қатъий мурожаат қилди.

Бунга жавобан Хитой “Жанубий Хитой денгиздаши ўз суверенитети химояси учун барча керакли чораларни кўришга” ваъда берди, ва “ҳаво мудофаа зонасини яратиш ҳуқуқига эканлигини” таъкидлади.

Бироз сўнг, Хитой раҳбари Си Цзинпин шов-шувли баёнот қилди. У, “партия, халқ ва жаҳонга” мурожаат қилиб, — олдинда “жаҳон тартибини белгилаб

берувчи Россия ва Хитой иттифоқи” борлигини таъкидлади. Шунингдек оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, Си Цзинпин НАТОни кучсизлантирувчи ҳарбий иттифокни ҳам тақдим қилган.

Бундан ташқари, бир йил аввал Хитой ҳукумати навбатдаги – мамлакат мудофаа стратегиясидаги барча ўзгаришлар аниқ келтирилган, янги ҳарбий таълимот, “Оқ китоб”ни чоп қилган. Унинг моҳияти шундай – “Биз сизга ҳужум қилмаймиз, агарда бизга тегмасангиз”.

Шунинг билан бир қаторда “Оқ китоб”да келтирилган қосий муносабат ўзгаришсиз асосан, яъни, учинчи жаҳон уруши бўлади. Қачонлиги муҳим эмас, ким урушни бошлаши номаълум, аммо уруш

албатта бўлади, шунинг учун унга тайёр бўлиш керак. Ва бу урушнинг айнан АҚШ билан бўлиши эҳтимол жуда катта, дейилади “Оқ китоб”да.

Қолаверса, Хитой Ҳарбий денгиз кучлари адмирали Ву Шэнли АҚШ Ҳарбий денгиз кучларини огоҳлантириб, агарда Америка Қўшма Штатлари аввалгидек хавфли ва провакацион ҳаракатларни амалга оширишда давом этса, бу икки тараф ҳарбий кучлари ўртасида зиддиятлар келтириб чиқариши ва уруш бошланишига сабаб бўлиши мумкинлигини айтган.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон ОАВлари маълумотларига кўра, Россия ва Хитой олтинларни сотиб олиш ва Америка давлат мажбуриятлари ҳисобидан ўз активларини чиқариб олиш йўли билан АҚШ иқтисодига “олтин зарба”ни амалга ошириши мумкин.

“1980 йилда Хитой ЯИМси Американикага нисбатан 7 %ни ташкил қиларди, экспорт ҳажми эса 6%ни. Валюта захираси эса АҚШнинг 15 % захирасига тенг эди. 2014 йилда Хитой ЯИМ (11 триллион доллар) ҳажми Американикага (18 триллион доллар) нисбатан 60% кўрсаткичга етди, экспорт ҳажми эса АҚШникидан 6%га ошиб кетди. Шу билан биргаликда Хитой валютаси энди АҚШникидан 28 маротаба кўпроқ”,- дейди Atlanticо мутахассислари.

ЎХХ хабарлар бўлими



Яҳудий олим Қуръонни ўргангач, исломни қабул қилган

Келиб чиқиши яҳудий бўлган Америкалик эмбриолог олим Роб Гиллхам (Robert M. Gillham) Қуръон оятларини ўқиғач исломни қабул қилган. Альберт Эйнштейн институти олими эътиборини Қуръонга кўра эридан ажрашган хотинларнинг 4 ой давомида тийилишга буюрилишлари тортган. Мутахассис олиб борган тадқиқотларга кўра аёл организмнинг эркак хромосома "излари"дан тозаланиши учун айнан шунча муддат керак бўлишини аниқлаган.

Миср миллий маркази тиббийёт профессори Абдул Босит ас-Саиднинг айтишича, Гиллхам тадқиқотлари давомида, аёл организми жинсий алоқадан сўнг ҳар ой давомида эркак "излари"дан фақатгина 25-30 фоизга тозаланишини, тўлиқ тозаланиш эса Қуръонда келтирилгандек 4 ой ўтгандан сўнг амалга ошишини аниқлаган. Бу кашфиёт ушбу китобнинг илоҳий табиатга эканлигини тасдиқловчи яна бир кучли омил бўлди.

Аввалига эмбриолог олим ўз тадқиқотларини АҚШнинг мусулмон туманларида олиб борди, кейин эса мусулмон бўлмаган туманларида ўтказди. Натижада Гиллхам, мусулмон аёллардан фарқли ўлароқ бошқа хотинлар вужудида бир вақтнинг ўзида турли эркак хромосомалари борлигини аниқлаган.

Гиллхам ўз хотинини текшириб кўриб, унда учта ҳар хил эркак хромосомалари "излари"ни топган, натижада хотиннинг эрига ҳиёнати маълум бўлган. Шундан сўнг олим уч нафар фарзандидан фақатгина биттаси ўзининг биологик фарзанди деган хулосага келган. "Ер юзидаги энг покиза аёллар – Мусулмон аёллардир", – дея таъкидлаган натижада эмбриолог олим.

Дунё эмбриологиясида бундай ҳолат биринчи бор юз бермапти. Уз вақтида, анатомия ва эмбриология соҳасидаги машҳур мутахассислардан бири, 8 та тилга таржима қилинган "Инсон эмбриологияси" китоби муаллифи Канадалик олим Кейт Мур, — "Агарда Қуръонни билганимда Нобел мукофотини 20 йил аввал олган бўлардим", – дея айтган.

Эмбрионнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш давомида, жараённинг деярли бир ярим минг йил аввал Қуръонда аниқлик билан баён қилинганидан Мур таажжубга тушган. Ўзининг кашфиёти натижасида Мур "Инсон эмбриологияси исломий кўшимчалар билан" номли янги китобини ёзган.

УХХ хабарлар бўлими



Россия ва Туркия Ўзбекистонда ўтган маҳфий музокаралардан сўнг Қозоғистон кўмаги билан ярашдилар

Россия билан Туркия ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистонда Қозоғистоннинг фаол воситчилигида ўтган яширин музокаралардан сўнг яхшилана бошлади, дея 8 август куни ёзади Туркиянинг Hürriyet газетаси.

Номи ошкор бўлишини истамаган юқори мартабали манбага кўра, Туркия расмийлари Россия билан муносабатларни яхшилаш имкониятини туркиялик тадбиркор ва сиёсатчи Жавид Чағлар орқали қидира бошладилар. Режеб Тойиб Эрдўғанга уни Туркия бош штаби раҳбари Хлуси Акар тафсия қилган. Чағлар Nergis Holding компаниясини бошқаради, 1990-йилларда парламент депутати бўлган, вазирлик лавозимини эгаллаган, Туркия давлат банклари раҳбарияти таркибика кирган, собиқ президент Сулаймон Демирэлнинг яқин сафдоши бўлган. Чағлар бошқараётган холдинг Доғистон (Россия) иқтисодиётининг йирик инвестори саналади. Чағлар Доғистон президенти, Путиннинг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича маслаҳатчиси Юрий Ушаковга кадрдон саналган Рамазон Абдулатипов орқали Кремль билан алоқа ўрнатган бўлиши мумкин.

Эрдўған Чағларнинг номзодига рози бўлган ҳолда Ушаков билан Туркия тарафидан алоқа қилувчи шахс сифатида матбуот котиби Иброҳим Калинин тайинлаган. Матбуот котиби Эрдўғаннинг Путинга кечирим сўраган мактубининг қораламасини тайёрлаган. "Чағлар ва Абдулатипов орқали моки дипломатияси ишга тушган, мулоқот давомида иккала томон ҳам мактуб мазмунини ва шаклини таҳрир қилган", – дея ёзади Hür-

riyet. Мактуб устида, шунингдек рус таржимони ҳам ишлаган. Газета маълумотида кўра, мактуб учун русча кечирасиз ("извините") сўзи танланган. Газетага кўра, бу "афсусдамиз" (sorry) сўздан кучлироқ, бироқ "афв этишининг сўраймиз"дан (apology) кучли эмас. Шундай қилиб, мактуб рус тилида битилди.

Қозоғистон президенти Нурсултан Назарбаев 22 июнь куни Москва Эрдўғаннинг "ярашув мактубини" олишга тайёрлигини Анқарага маълум қилди. Икки кун ўтиб, 24 июнда Туркия президентининг расмий вакили Иброҳим Калинин Ўзбекистон президенти Ислам Каримов таклифига биноан зудлик билан Тошкентга учди. Путин ўша пайтда, Тошкентда ШХТ саммитида иштирок этаётганди.

Калин Эрдўғаннинг хатини Путиннинг маслаҳатчиси Ушаковга берди ва Путин Туркия билан алоқаларнинг яхшиланишига рози бўлди, дея таъкидлайди Hürriyet. Эрдўғаннинг мактуби 27 июнь куни чоп этилди.

Эслатиб ўтамиз, Россия билан Туркия ўртасидаги муносабатлар 2015 йил 24 ноябрь кун туркларнинг F-16 қирувчиси русларнинг Су-24 бомбардимончисини уриб туширганидан сўнг ёмонлашганди.

Манба: "Фарғона" ахборот агентлиги

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов